

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЖИЕВ МУЗАФФАР АКБАРОВИЧ**

**ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК  
БОСҚИЧИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИНГ ТУЗИЛИШИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Тожиев Музаффар Акбарович**

Ёш гимнастикачилар бошланғич тайёргарлик босқичида ўқув машғулот  
жараёнини тузилиши.....5

**Тожиев Музаффар Акбарович**

Построение учебно-тренировочного процесса юных гимнастов на начальном  
этапе подготовки.....29

**Tojiev Muzaffar Akbarovich**

The structure of the training process in the initial training of young  
gymnasts.....53

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЖИЕВ МУЗАФФАР АКБАРОВИЧ**

**ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК  
БОСҚИЧИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИНГ ТУЗИЛИШИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/PeD466 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эштаев Анвар Курганович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Алламуратов Шухратулла Иноятович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расулов Равшан Мирзаевич**  
педагогика фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz). e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “В” биноси, 2-қават кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Р.Болтабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Б.Б.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси п.ф.н., доцент

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда спорт гимнастикасининг бугунги кундаги ривожланиш даражаси жисмоний сифатларни тирбиялаш, хилма-хилги мураккаб машқлар техникасини эгаллаш ҳамда психологик барқарорликни тарбиялашга йўналтирилган узок муддатли ва машаққатли меҳнатни талаб қилади. Енгил, назокатли, гўзал ижро билан тавсифланадиган ҳаракатлар мактаби, тўғри қомат, машқларни бажаришнинг гимнастик услуби дастлабки ихтисослаштириш даврида жуда самарали шакллантирилади. Болалик, ўсмирлик ва ёшлик йилларида мунтазам ўтказиладиган ўқув машғулоти муваффақият келтириши учун улар илмий асосланган тузилмага эга бўлиши лозим. Ёш гимнастикачиларнинг жисмоний, махсус-ҳаракат ва функционал имкониятларини илмий асосланган ҳолда ривожлантириш натижасида спортдаги ютуқларнинг энг юқори даражаси етуклик даврига тўғри келади.

Жаҳонда спорт гимнастика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гимнастикачиларнинг ўқув тренировка жараёнини ташкил этиш муаммосига катта эътибор берилмоқда. Спорт гимнастикасининг кўпкураш турларида эрта ихтисослашув масалаларини юзага келиши ва дастурий машқларнинг тобора мураккаблашиб бораётганлигини кўриш мумкин. Болаларда ҳаракат сифатларининг узлуксиз ривожлантириш асосида эрта ёш даврдан ҳар хил тузилмавий гуруҳлардаги базавий элементлар техника асосларини ўргатишга киришиш, дастлабки тайёргарлик машғулотларини бошлаш ёшнинг пасайишига асосий сабаб бўлмоқда. Бу эса мураббийлардан ўқув тренировка жараёнининг тузилиши ва воситаларини тўғри тақсимлаш талабини кўймоқда. Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда базавий жисмоний сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишлар ўтказиш билан чегараланмай, бунда мактабгача таълимнинг тобора мураккаблашиб бораётган техноген тизими ҳамда спорт тренировка жараёни томонидан қўйилаётган замонавий талабларни ҳам эътиборга олишни талаб қилади.

Мамлакатимизда ёш гимнастикачилар тренировка назарияси ва услубиёти соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар 4-6 ёшли болаларни спорт гимнастика турлари билан шуғилланишга жалб этиш ҳолатларига алоҳида эътибор қарата бошладилар. «...аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд».<sup>1</sup> Бироқ ўқув-машғулот жараёнини тузилиши,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни Янада такомиллаштириш ва Оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

юкламанинг “ички” ва “ташқи” томонларини назорат қилиш воситалари, унинг организм тизмларига кўрсатадиган таъсири бугунги кунда илмий жиҳатдан ўрганилмаганлиги соҳада махсус тадқиқотларни ташкил этилиши ҳамда илмий асослашни талаб қилади. Адабий манбаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асносида маълум бўлдики, мактабгача ҳамда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг махсус-ҳаракат қобилиятлари ва базавий жисмоний сифатларини босқичма-босқич ривожлантиришга, тайёргарликнинг бошланғич босқичида ёш гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат (МХТ), махсус-жисмоний (МЖТ) ҳамда техник тайёргарликни (ТТ) мажмуали назорат қилишнинг самарали тизимини ишлаб чиқишга ягона ёндашувнинг йўқлиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 ноябрдаги ПҚ-2654-сонли «Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, 2017 йил 9 мартдаги ПФ-2821-сонли «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII Олимпияда ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони билан белгиланиб, у спортчиларни тайёрлаш бўйича кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда шунингдек, ушбу диссертация иши олимпия спорт турларини оммалаштиришга ёрдам бериб, спорт билан шуғулланишнинг дастлабки тайёргарлик босқичида энг иқтидорли, келажаги порлоқ ёшларни аниқлаш имконини берувчи мезонларни жисмоний тарбия ва спорт таълим тизимида жорий қилиш учун йўл очади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу муаммонинг спорт гимнастикасидаги ҳолатини таҳлил қилиш унинг илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаганлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтгача дастурий машқларни ўргатиш ва такомиллаштириш, яъни техник тайёргарлик масалаларига асосий эътибор қаратиб келинган. Соҳанинг етакчи олимлари И.В.Кулькова, М.Смолевский, Ю.К.Чернышенко, Е.Ю.Розин, В.А.Солодяников, А. М. Шлемин, П.К.Петров, А.К.Эштаев, Ю.В.Менхин, Г.М.Хасанова, С.А.Эштаев, М.Н.Умаровларнинг фикрича базавий тайёргарлик даврида ёш гимнастикачиларнинг истиқболли мезонлари, тренировканинг тузилиши ва мазмуни, жумладан, гимнастика кўпкураши турларида, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда тренировканинг элементар воситаларини тақсимлаш масалалари етарлича ўрганилмаган<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Кулькова И.В. Построение тренировочного процесса гимнастов на этапе начальной подготовки: //Дис... канд. пед. наук. – М., 1991. –198 с. / Смолевский В.М., Гаввердовский Ю.К. Спортивная гимнастика: Учеб. для ин -тов

Спорт мактаблари учун мўлжалланган мавжуд ўқув дастурлари, ҳеч бўлмаганда, 6-7 ёшли болалар билан шуғуллана бошлашни кўзда тутади. Айни вақтда бошланғич тайёргарлик амалиётида 4-5 ёшли болаларнинг борлиги одатий ҳолга айланди. Боланинг биологик ривожланишидаги 1-2 йиллик тафаввут жуда катта аҳамиятга эга, кўпчилик мураббийлар эса бунга тайёр эмаслар. Шунинг учун ҳам машғулотлар самарадорлиги паст бўлиб болаларнинг спортни ташлаб кетиш ҳолатлари кўп-95% гача, уларнинг кўпчилиги эса истикболли болалардир.

Мавжуд адабиётларда (А.М.Шлемин, Е.Ю. Розин, В.М. Смолевский, М.Л. Журавин, Г.М.Хасанова, М.Н.Умаров, А.К.Эштаев, С.А.Эштаев ва бошқалар) текширилаётган муаммони кўп йиллар давомида муҳокама қилиш спорт гимнастикасини оммавий ривожлантириш масалалари бўйича машғулотлар амалиётдаги баҳслар натижасида болалар ва ўсмирлар спорти назарияси фани мутахассислари олдига тезликда ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор вазифалар қўйилди, хусусан:

-махсус жисмоний тайёргарлик ва махсус ҳаракат тайёргарликнинг янада аниқ тизимини ишлаб чиқиш;

-умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик воситаларининг оқилона нисбатини топиш, меъёрий кўрсаткичларни таҳлил қилиш, уларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларининг функционал схемаси билан бирлаштириш;

-гимнастикачиларни ўқитиш йўллари бўйича ягона махсус жисмоний тайёргарлик ва техник тайёргарлик дастурини амалга ошириш шакллари бўлиб қолиши лозим<sup>3</sup>.

Ёш гимнастикачилар билан ишлашда қайд этилган, ривожланишдан орқада қолиш гимнастика бўйича БЎСМ ва ИБЎСМ даги бошланғич ўргатиш босқичида машғулотларни бошлаш ёшининг пасайганини ҳисобга олган

---

физ.культ.– Киев: – 1999. – 462 с. / Чернышенко Ю. К., Пилкок Н.Н., Баландин В.А.// Методика отбора юных акробатов 7-10 лет на этапах начальной и начальной специализированной подготовки: Учебное пособие. - Краснодар, 1989. - 123 с. /Розин Е. Ю. Педагогическая диагностика физического состояния и специальной подготовленности спортсменов с использованием компьютерной техники (на примере гимнастики):// Автореф. дис. ...д-ра пед. наук в виде научного доклада. - М., 1997. - 73 с. / Солодьянников В.А. Технология обучения гимнастическим упражнениям начального этапа подготовки гимнастов /Программа общеобразовательной школы/: Учебное пособие // В.А.Солодьянников. - СПб.: ГАФК им. П.Ф. Лесгафта, 1997. -212 с./ Система подготовки юных гимнастов: Методическое пособие /Сост. А. М. Шлемин, П. К. Петров. М., 1997. -178 с./ Петров П.К. Методика преподавая гимнастики в школе: Учеб. для студ. Высш. учеб. заведений. – М.: Гуманит. Изд.центр ВЛАДАС, 2003. –448 с./ Эштаев А.К. «Структура и распределение средств тренировки гимнастов 6-9 лет на начальном этапе подготовки» Дисс... канд. пед. наук- Т.: УзГИФК, 2007. -187 с. /Эштаев А.К., Умаров М.Н. Гимнастика назарияси ва услубиёти. Дарслик. Т.:2017. 433 б./ Менхин Ю.В. К проблеме и формирования двигательного навыка //Теория и практика физической культуры. – Москва, 2007. - № 2. - С. 12-17/ Хасанова Г.М. Построение соревновательного мезоцикла у юных гимнасток на этапе спортивного совершенствования. Дисс. ... канд. пед. наук. - Ташкент: УзГИФК, 2011. – 173 с.

<sup>3</sup> Юный гимнаст //Под ред. А.М. Шлемина-М.: Физкультура и спорт, 1973. - 276 с/ Смолевский В.М., Гавердовский Ю.К. Спортивная гимнастика: Учеб. для ин -тов физ.культ.– Киев: – 1999. – 462 с/ Хасанова Г.М. Построение соревновательного мезоцикла у юных гимнасток на этапе спортивного совершенствования. Дисс. ... канд. пед. наук. - Ташкент: УзГИФК, 2011. – 173 с. / Эштаев А.К., Умаров М.Н. Гимнастика назарияси ва услубиёти. Дарслик. Т.:2017. 433 б./ Умаров М.Н., Эштаев А.К., Гимнастика // Дарслик. Т.:2018. 482 б

ҳолда тренировка жараёнини оптимал, илмий асосланган тарзда тузиш йўллари излаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари муаммонинг долзарблиги, бир томондан, юқорида кайд этилганидек, спорт гимнастикаси турлари бўйича жаҳон биринчиликларида иштирокчиларнинг ёшариб бориши билан белгиланса (бу жуда муҳим), иккинчи томондан, болалар организмнинг жисмоний ва функционал имкониятларини юқори натижалар шароитининг тобора тезлашиб бораётганлиги жараёнидир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши ЎзДЖТСУ нинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ёшлар спорти ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашнинг психологик-педагогик ҳамда физиологик гигиеник асослари» йўналиши бўйича илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёш гимнастикачиларнинг бошланғич тайёргарлик босқичида ўқув-машғулот жараёнини ташкил этишнинг оқилона тузилмасини ишлаб чиқиш ва тажрибалар ёрдамида асослаб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёш гимнастикачиларнинг бошланғич тайёргарлигининг спорт мактаби амалиётига тавсия этилаётган мавжуд тузилмасини ўрганиш ва унинг болалар ёш хусусиятларига ҳамда тайёргарлик босқичи вазифаларига мослигини аниқлаш;

5-7 ёшли болаларнинг асосий морфо-функционал хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда уларнинг гимнастика машқларини ўзлаштириши муваффақияти билан ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсир кўрсатишини аниқлаш;

ёш гимнастикачиларнинг жисмоний ва махсус ҳаракат тайёргарлиги бўйича яқинлаштирувчи, ривожлантирувчи машқ мажмуаларини ишлаб чиқиш;

босқич вазифаларига ва ёш гимнастикачиларнинг хусусиятларига мувофиқ бошланғич тайёргарлик тузилмаси ҳамда унинг мазмунини тажрибалар ёрдамида асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** бошланғич тайёргарлик гуруҳининг ўқув-машғулот жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** 5-7 ёшли гимнастикачиларнинг асосий ва снарядлардаги гимнастика воситаларининг тузилмаси, мазмуни ҳамда уларнинг ўқув йиллари бўйича тақсимланиши.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация тадқиқотида сўровнома, интервью, педагогик кузатувлар, тадқиқотнинг тиббий-биологик методлари, махсус жисмоний ва техник тайёргарлик дастурлари бўйича назарий синовлари, педагогик тажриба, олинган маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёш гимнастикачиларнинг ёшга хос хусусиятлари сенсетив ривожланиш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, бошланғич тайёргарлик босқичидаги мавжуд тузилмасидаги (УЖТ, МЖТ, МХТ, ТТ) тайёргарлик турлари нисбатларини янги (ҳафтада икки ва уч марталик мақсадли машғулотлар) тузилмаси ишлаб чиқилган;

5-7 ёшли болаларнинг асосий тотал морфологик ва функционал кўрсаткичларининг (тана оғирлиги, тана узунлиги) мушак кучи ривожланиш хусусиятлари, мушак гуруҳларида илк бор нисбий ва абсалют куч катталиклари бўйича гимнастика машқларининг ўзлаштириш даражаси илмий жиҳатдан асосланган;

бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гимнастикачиларнинг тайёргарлик даврлари учун машғулотларда машқларни қўллаш мазмунига яқинлаштирувчи ва ривожлантирувчи машқ мажмуаларининг вариантлари ишлаб чиқилган;

ёш гимнастикачиларнинг кўпкураш турлари бўйича элементларни ўзлаштириш даражалари ва махсус ҳаракат тайёргарлиги, техник тайёргарлиги, спорт техникаси ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари орасидаги ишончли корреляцион боғлиқлиги асосида ўқув машғулот жараёни такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

машғулот воситаларининг ишлаб чиқилган қўп йиллик режалаштирилиши ҳамда педагогик назорат тузилиши, ёш гимнастикачиларнинг ҳаракат тайёргарлиги даражасини оширишга йўналтирилади, ҳамда машғулот жараёнига жорий қилинади ҳамда базавий ва бошланғич тайёргарлик даражасига ижобий таъсир ўтказади;

тайёргарликнинг бошланғич босқичида педагогик кузатув ва тажриба, тадқиқот материалларидан самарали фойдаланишга оид ишлаб чиқилган муайян тавсиялар, улар асосида шакллантирилган тузилманинг режлаштирилиши, машғулот воситаларини оқилона тақсимланиши, ўқув-машғулотлари жараёнида ёш гимнастикачиларнинг махсус-ҳаракат, жисмоний ва техник тайёргарлик даражасини назорат қилиш тизими бунга ёрдам беради. Натижаларнинг рўёбга чиқарилиши гимнастика бўйича БЎСМ учун мўлжалланган ўқув дастурида ўз асосини топди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Датслабки тайёргарлик босқичида 5-7 ёшли гимнастикачиларнинг машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш борасидаги маҳаллий ва хорижий илмий манбаъларнинг ўрганилганлиги, БЎСМ ва ИБЎСМ амалиётдаги дастурларини таҳлил қилишдан олинган маълумотлар, шунингдек ишлаб чиқилган дастурларни амалиётга тадбиқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатномаларни ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги, долзарб методологик қоидалар, тадқиқот вазифаларига мос бўлган тадқиқотнинг замонавий метод ва методикасидан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижаларининг миқдорий ва сифат таҳлили, олинган натижаларга ахборот технологиялари асосида ишлов

беришда математик-статистика методларнинг қўлланилиши билан белгиланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида ёш гимнастикачилар тайёргарлиги методикасига янги қоидалари билан таълуқли бўлган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Барча синов ва педагогик кузатувлар асосида тайёргарлик босқичи охирида болаларнинг спорт гимнастикаси машғулотларига яроқлилиги ҳақидаги дастлабки ташхисни объектив равишда аниқлаш, уларнинг иқтидори ва истикболлилигини муайян даражада баҳолаш, зарур ҳолларда болани бошқа спорт турига йўналтиришни тавсия этиш имконияти пайдо бўлади.

Ёш хусусиятлари, жисмоний ривожланиш ҳамда бошланғич тайёргарлик вазифаларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган машғулот жараёнини ташкил қилиш тузилмаси ва мазмуни тажрибалар ёрдамида ўз тасдиғини топди. Тажриба гуруҳи ёш гимнастикачиларнинг саломатлигига, морфо-функционал ривожланиш динамикаси, шунингдек жисмоний ва ҳаракат тайёргарлигига ижобий таъсир кўрсатди. Бу эса уларни спорт гимнастикаси бўйича БЎСМ ва ИБЎСМ иш фаолиятига тавсия қилиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Ёш гимнастикачиларнинг бошланғич тайёргарлик босқичида ўқув машғулот жараёнининг тузилиши бўйича олинган натижалари асосида:

ёш гимнастикачиларнинг бошланғич тайёргарлик босқичидаги ёш хусусиятларининг сенсетив ривожланиш муддатларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган машғулот тайёргарлигининг янги тузилмаси бўйича таклифлар «Спорт педагогик маҳоратини ошириш (гимнастика)» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 28 июндаги 434-296-сон гувоҳномаси). Натижада ёш гимнастикачиларнинг мақсадли тайёрлаш самарадорлиги 12-16% га яхшиланган;

5-7 ёшли болаларнинг морфологик ва функционал кўрсаткичлари нисбий ва абсолют куч катталикларининг боғлиқлиги асосида гимнастика машқларини ўзлаштириш бўйича таклифлар «Якка кураш, координацион ва циклик спорт турлари (гимнастика)» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 28 июндаги 434-315-сон гувоҳномаси). Натижада тажриба охирига келиб 5-7 ёшдан 6-8 ёшгача бўлган гимнастикачилар ўртасида гимнастик анжомларда (194 ва 193 та элемент) ва ҳаракат қобилиятлари бўйича сезиларли фарқлар ( $P > 0.05$ ) аниқланмади;

бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гимнастикачилар учун ишлаб чиқилган яқинлаштирувчи ва ривожлантирувчи машқ мажмуаларининг вариантлари «Спорт педагогик маҳоратини ошириш (гимнастика)» номли

ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 28 июндаги 434-296-сон гувоҳномаси). Натижада ёш гимнастикачиларни нафақат жисмоний сифатлари яхшиланди, балки уларга асосланган гимнастик машқлар дастуридаги машқларни (ўғил болалар 56.4, қизлар эса 37.08 баллга) ўзлаштириш имконини берди;

ўқув машғулотида танлаб олинган машғулоти воситалари, тайёргарлик тузилмаси ҳамда унинг мазмуни асосида ишлаб чиқилган услубият ёш хусусиятлари ва босқич вазифаларини инобатга олган ҳолда «Якка кураш, координацион ва циклик спорт турлари (гимнастика)» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 28 июндаги 434-315-сон гувоҳномаси). Натижада бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш гимнастикачилар амалиётига жорий этилган услубиятига асосан нисбий мушак кучининг интеграл кўрсаткичи 5 ва 7 ёшгача қизларда 14.9% га, ўғил болаларда эса 19.2% тезроқ суратларда ривожланишига эришилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация материаллари ва асосий ҳолатлари 3 та халқаро ва 4 та Республика илмий ва амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола [4 та республика ва 3 та хорижий илмий журналларда] чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 125 саҳифали матн, 17 та расм, 34 та жадвал, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гимнастикачиларни саралаш ва уларнинг машғулотларини ташкил этишнинг хусусиятлари**» деб номланади. Мазкур бобнинг материаллари катта мактабгача ёшдаги болаларнинг спорт гимнастикасига саралаб олиш

ва йўналтиришнинг назарий асослари, болалар организмнинг морфофункционал хусусиятлари, жисмоний сифатларини намоён бўлишини очиб беради. Юкламаларнинг ҳаракат тайёргарлиги даражаси билан ўзаро алоқадорликда, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Бошланғич тайёргарлик гуруҳларини шакллантириш технологияси ва уларни тўлдириш жараёни жиддий ёндашувни талаб қилади. Кўпгина муаллифларнинг ишларида [А.М.Шлемин, Л.В.Волков, И.В.Кулькова, П.К.Петров, М.Н.Умаров, А.К.Эштаев, Д.Х.Умаров] кўриб чиқилган гимнастиканинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, спортга саралаб олиш ва йўналтиришнинг талаблари ҳамда хусусиятлари масаласига дахлдор умумий назарий-методологик бўлимга эътибор қаратилди.

Иккинчи «**Тадқиқот методлари ва унинг ташкил этилиши**» бобида 5-7 ёшли гимнастикачилар гуруҳларининг даслабки ўрганиш босқичдаги машғулотларни ташкил этишнинг долзарблиги ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, илмий-амалий муаммо, тадқиқот методлари ўрганилган, илмий манбаълар таҳлил қилинган, педагогик кузатув, интервью, морфофункционал кўрсаткичлар, полидинамометрия, педагогик назорат, математик статистик усуллари, жисмоний тайёргарликни аниқлаш учун қўлланилган тестларнинг моҳияти ва мазмуни очиб берилган, уларни амалга ошириш шартлари хусусида тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тайёргарликнинг бошланғич босқичида ёш гимнастикачиларнинг махсус-ҳаракат тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишини тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида ёш гимнастикачиларни бошланғич тайёргарлик босқичининг тузилиши ва умумий тузилмаси, морфофункционал хусусиятларининг ривожланиши, 5-7 ёшли болаларнинг жисмоний ривожланишини асосий кўрсаткичлари, бошланғич тайёргарлик гуруҳларини жамлашда 5-7 ёшли болаларни спортга яроқлилигини аниқлаш усуллари ва дастури ёритилган.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, ўргатишнинг биринчи йилидаёқ машғулот вақтининг кўпроқ қисми (75%гача) техник тайёргарликка ажратилади. Мураббийлар кўпинча болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний ва махсус ҳаракат тайёргарлиги даражасини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилмайдилар. Спорт гимнастикасининг етакчи назариячи олимлари эса [А.М. Шлемин, В.М.Смолевский, Ю.К.Гавердовский, И.А. Кулькова, Е.Ю.Розин, А.К.Эштаев] болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолада уларнинг умумий ва махсус ҳаракат тайёргарлигини етарли даражасига оширмай туриб, техник тайёргарлик муаммоларини ҳал этиб бўлмаслигини исботлаб берганлар.

Педагогик кузатув ва сўровнома асосидаги савол жавоб натижаларига мувофиқ мураббийлар у ёки бу жисмоний сифатлар ривожланишининг сенситив муддатлари билан яхши таниш эмас, булар тўғрисида билимга эга бўлсалар ҳам, тренировка жараёнида деярли этиборга олмайдилар. Кўпинча махсус жисмоний тайёргарликнинг (МЖТ) қисқартирилган мажмуасини

қўллаш билан чекланадилар. Айрим мушак гуруҳлари кучини ривожлантириш учун 2-3 тагина машқни таклиф қиладилар, бунинг устига ёндашувлар сони, дам олиш танаффуслари ҳақида маълумотлар келтирилмаган. Фақат умумий машқлар миқдори тилга олинади: «10,20,30 марта».

Педагогик кузатув материаллари шуни кўрсатадики, мураббийлар ўқув-тренировка машғулотларининг ўйин шаклларида кам фойдаланадилар, лекин ўйин жараёнида координацион қобилиятлар: вақт ва маконда мўлжал олиш, реакция тезкорлиги сингари муҳим ҳаракат сифатлар жуда самарали тарзда тарбияланади ва машғулотларнинг юқори ҳиссий фони таъминланади. Махсус адабиётлардан [А.М.Шлемин,1982; Е.Ю.Розин 1990, 2002,2005; И.В.Кулькова 1991; А.К.Эштаев, 2007] олинган маълумотлар шундан далолат беради.

И.В.Кулькованинг (1991) текширилган спорт мактаблари иш тизимидаги жиддий нуқсон - ўқув-тренировка машғулотининг педагогик жиҳатдан асосланган ва тўғри режалаштирилган тайёргарлик қисми йўқлиги ҳақидаги фикрига қўшилмай иложимиз йўқ. Бу эса гуруҳда махсус ҳаракат тайёргарлиги асосларига ўргатиш самарадорлигини пасайтиради, провард натижада бу тренировканинг қўшимча воситалари, тренажёр қурилмалари, батут қўланадиган ёш гимнастикачиларнинг гимнастика «мактаби» шаклланишида акс этади.


Назаримизда спорт мактабларида биз аниқлаган камчиликларнинг ҳаммаси ёш гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка машғулотлари тузилмаси ҳамда мазмунини уларнинг ёшга ва жисмоний ривожланишига хос хусусиятларини, босқичнинг вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш вақтида этиборга олинди ҳамда асосий тажриба жараёнида илмий асослаб берилди.

Ёш гимнастикачиларнинг текширилаётган гуруҳи жисмоний ривожланишини, мушак кучининг шаклланиш хусусиятлари ҳамда ҳаракат фаоллигини тадқиқ этиш материаллари ёш гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлиги билан ўзаро алоқадорликда синчиклаб ўрганишни талаб этади.


Бир қатор физиологлар [Ф.Н.Серков, А.Г. Хрипкова, Н.А.Фомин, Ю.Н. Вавилов, А.А. Николаев, В.М. Смирнов, В.П.Филин, Н.А. Фомин, Д.Х.Уилмор, Д.Л.Костилл] бир ёшдан етти ёшгача бўлган даврни нейтрал болалик даври деб атайдилар, чунки ўғил ва қиз болалар бири-биридан тана ўлчамлари бўйича кам фарқ қилади. Аини вақтда биз текширган болаларнинг жисмоний ривожланишини ўрганиш аксинча, 5-7 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг тана ўлчамларида жинслараро тафовутлар борлигини кўрсатади. Бундан ташқари, ёши ўтган сайин ўғил болаларда барча кўрсаткичларнинг устуворлик касб этиш тенденцияси ўсиб бораётганлиги сезилади.

Юқорида айтилганларни эътиборга олиб, белгиланган муаммолар доирасини тажрибалар ёрдамида текшириш учун биз Қўқон шаҳар БЎСМ гимнастика бўлимининг биринчи ва иккинчи ўқув йили гуруҳлари учун

тайёргарлик дастурини ишлаб чиқдик. Гимнастика бўйича тайёргарлик турини тақсимлашнинг биз таклиф қилган варианты тафовутларни яққол тасаввур қилиш учун уни ИБЎСМ учун тавсия этилган ўқув дастурларининг ўхшаш тузилиши билан таққосладик (1,2-расмлар).



**1-расм. Биринчи ўқув йили ёш гимнастикачилари бошланғич тайёргарликларининг умумий тузилиши**



**2-расм. Иккинчи ўқув йили ёш гимнастикачилари бошланғич тайёргарликларининг умумий тузилиши.**

Бизнингча, гимнастика машғулотларини бошлаш ёшининг 6 ёшдан 5 ёшга пасайиши уларни ташкил этишга қатъий табақалаштирилган ёндашувни талаб қилади. Тахминимизча, 5 ёшли гимнастикачи болалар учун бошланғич ўрганиш даври 3 йилгача узайтирилиши лозим. Бунинг устига, биринчи ўқув йили ўғил ва қиз болаларнинг машғулотларини ягона дастур асосида олиб борса бўлади. Сўровномада қатнашган мураббийларнинг 77% қисми бу фикирни маъқуллади.

Ўрганилаётган муаммони илмий асосланганлик нуқтаий назаридан кўриб чиқиладиган ёш гимнастикачиларни спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошлари билан қиёсий таҳлил қилиш қонунийдир. Бринчидан, гимнастика тўғарақларига қабул қилинган болалар фақат дастлабки маълумотлар асосида-тананинг ташқи аномалиялар йўқлиги ва гимнастика билан шуғулланишга рухсат берувчи тиббий маълумотномага асосланган

спорт тайёргарлигини диагностикаси асосида танланганлигини таъкидлаймиз.

Ёш ортган сайин шуғулланмайдиганларнинг ёш гимнастикачиларга нисбатан тана ўлчамларининг ялпи кўрсаткичлари бўйича устуворликка эга бўлиб бориши диққатни тортади (1-жадвал) тўғри, барча 5 ёшли гимнастикачиларнинг тана узунлиги ҳамда 5 ёшли болаларнинг кўкрак айланаси бундан мустасно.

### 1-жадвал

#### 5-7 ёшли гимнастикачилар ва уларнинг тенгдошлари жисмоний ривожланишининг қиёсий кўрсаткичлари ( $\bar{x} \pm \delta$ )

Кўрсаткичлар	Ёши (йил)	Қизлар		Ўғил болалар	
		Ёш гимнастикачи қизлар	Спортчи бўлмаган қизлар	Ёш гимнастикачи болалар	Спортчи бўлмаган болалар
Тана узунлиги (см)	5	110,9±4,0	110,1±4,38	112,1±2,65	110,5±4,6
	6	115,5±2,2	117,3±4,98	116,0±2,81	117,8±4,9
	7	119,7±2,88	123,3±4,88	121,3±2,5	124,0±4,7
Тана вазни (кг)	5	18,5±2,38	19,4±2,7	19,5±1,9	19,8±2,7
	6	20,0±1,7	22,3±3,83	21,3±1,64	22,7±3,3
	7	21,7±2,16	25,0±3,71	23,2±2,06	25,4±3,4
Кўкрак айланаси (см)	5	55,4±1,91	55,4±2,33	57,2±2,27	56,6±2,5
	6	56,8±1,99	57,7±3,04	58,3±1,86	59,2±2,8
	7	58,4±2,14	59,9±2,9	60,3±1,41	61,52,8

Тахмин қилиш мумкинки, юқоридаги маълумотларга қараганда бу болаларнинг баланд бўйи ва ортиқча вазни спорт гимнастикаси билан шуғулланишига тўсқинлик қилишини билладиган ота-оналарнинг ўз-ўзидан юзага келган спортча фикри билан боғлиқ.

Шундай қилиб, баён этилганларга асосланган ҳолда биз болалар билан ишлаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий морфо-функционал кўрсаткичларни ривожлантириш бўйича қатор қоидаларни қайд этишимиз ҳамда асосий тажрибани ўтказиш вақтида ҳисобга олишимиз зарур:

-5-7 ёш даври таянч ҳаракат аппаратининг тезкор ривожланиши билан тавсифланади. Демак, болалар билан машғулотларни ўтказганда, мушак коэффициентини шакллантирувчи қад-қомат ва оёқ қафти гумбазларини мустаҳкамловчи машқлардан кўпроқ фойдаланиш зарур;

-ёш гимнастикачилар ва уларнинг спортчи бўлмаган тенгдошларининг морфологик кўрсаткичлари ҳамда махсус-ҳаракат сифатларининг қиёсий таҳлили шундай хулоса чиқаришга имкон беради ва барча текширилаётган ёш гуруҳи гимнастикачилари ишончли равшдаги кичикроқ тана ўлчамлари билан фарқланиб туради;

-6 ёшда жинслараро тафовутларнинг хусусияти ўғил болаларнинг ўсиб боровчи жисмоний ривожланиши ҳисобланади. 7 ёшга бориб тафовутлар

якқолроқ бўлиб қолади ва бу ўргатиш жараёнини табақалаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

-аниқланишича организмнинг шаклланиш даврида (5-7ёш) ҳаракатлар координациясини ёмонлаштириб, айна лахзада зарур натижага эришишни қийинлаштирувчи ҳолат вақти-вақти билан идрокнинг ўзгариши кузатилади. Шу сабабли организмнинг ёшга боғлиқ ривожланиш жараёни билан алоқадор бўлган тайёргарлик турлари нисбатидаги ўзгаришлар (спорт-техник тайёргарлик томонга) асосий ҳаракатларга ўргатиш техникасидаги табиий издан чиқишларига олиб келади.

-юракнинг нисбий юқори қисқариши (93-105 қисқариши/дақ) ва нисбатан паст қон босими (50-55, 80-90 мл) 5-7 ёшдаги болалар қон айланиш тизимининг етук эмаслиги тўғрисида адабиётлардаги маълумотларни тасдиқлайди.

Тадқиқот 5-7 ёшли болаларнинг бошланғич тайёргарлик босқичидаги ўқув-тренировка машғулотларини ташкил этишда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимлари ҳолатини, марказий асаб тизими бошқарув механизмларидаги камчиликларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Спорт натижалари ривожланишининг ҳар қандай таҳлили учун алоҳида ҳаракат сифатлари ўзгаришларининг таҳлили бош нуқта бўлиши лозим. Биз Қўқон шаҳри БЎСМ спорт гимнастикаси бошланғич тайёрлов гуруҳларига қабул қилинган болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш учун энг оддий махсус кўникма ва малакаларни талаб қилмайдиган, мажмуавий ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик бўйича синовларнинг назорат дастурларини ташкил этадиган машқлардан фойдаланилди. 2-жадвалда назорат синовларининг ўртача статистик натижалари тақдим этилган. Махсус жисмоний тайёргарликнинг тезлик-куч таркибий қисмини тестлаш таҳлили ёш ортгани сайин натижаларнинг жиддий яхшиланишидан далолат беради. Натижаларнинг ўсишига ёш омиллари билан бирга гимнастика билан шуғулланиш ҳам таъсир ўтказади. Масалан, 7 ёшли қизлар 5 ёшлиларга нисбатан 30 см атрофида узоқроқ масофага сакрайдилар. Шу ёшдаги ўғил болаларнинг натижасидаги ўсиш бир мунча камроқ (18см атрофида) бироқ 5 ва 6 ёшли ўғил болаларнинг моқисмон югуриш ва жойдан туриб узунликка сакрашдаги устунлиги анча сезиларли.

Гимнастикачиларда жисмоний сифатлар ривожланиши суръатларининг пасайиш факти Э.Ю.Розин[1993,1996,1999], тадқиқотларида қайд этилган эди, тўғри муаллиф гимнастикачилар ривожланишининг пубертат даври (13-15 ёш) ҳақида сўз юритган. Эхтимол бу ерда ҳам биз ўхшаш ҳодисага дуч келган бўлсак керак, лекин у биринчи шиддатли ўсиш даври билан боғлиқдир. Бўғимларда ҳаракатчанликнинг етишмаслиги кўрсаткичи учта машқдаги (кўприкча, оёқларни кериб ўтириш, олдинга эгилиш ва ҳар қандай шпагат) хатолар учун чегирмалар йиғиндиси шаклида қайд этилди. Таъкидлаш мумкинки, агар баҳоларнинг балли шкаласи бўйича хулоса чиқарсак, қизларда ҳам, ўғил болаларда ҳам эгилувчанлик жуда паст даражада. Аммо шунга қарамай, бу ерда қизларнинг бўғимларида



харакатчанлик ва эгилувчанликнинг ривожланишидаги устуворлик тенденцияси кўзга ташланиб турибди.

Шундай қилиб, дастлабки назорат синовлари маълумотлари 5-7 ёшли болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш, жисмоний сифатларини намоён бўлишида жинслараро тафовутларнинг мавжудлигини очиб бериш учун имконият яратади. Масалан, тезлик – куч сифатларининг ривожланишида 5-6 ёшли ўғил болалар устунлиги кузатишга бўлса, эгилувчанлик борасида аксинча ҳолат кўзга ташланади.

Спорт гимнастикаси бўйича БЎСМда шуғулланувчи 5-7 ёшли болалар ҳолатини тавсифловчи «ташқи» ва «ички» таркибий қисмларни тадқиқ этиш материаллари:

- математик статистика воситалари ёрдамида бошланғич тайёргарлик босқичидаги биринчи ва иккинчи ўқув йили ёш гимнастикачиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) ва техник тайёргарлик (ТТ) даражаси ҳамда антропометрик, функционал белгилари орасидаги ўзаро алоқаларнинг хусусиятларини ўрганиш лозимлигини кўрсатади;

- 5-7 ёшли гимнастикачиларнинг жисмоний ривожланиши ва махсус ҳаракат тайёргарликни тавсифловчи тайёргарлик турлари тузилиши ҳамда уларнинг энг аҳамиятли ўлчамларини аниқлаш, олинган алоқадорликларни самарали амалий фаолиятининг назарий нишонлари сифатида қабул қилиш имконин бермоқда.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси, яъни махсус адабиётлардан олинган маълумотлар, машғулот амалиёти ҳамда дастлабки тайёргарлик машғулотлари тажрибалар ёрдамида асослашни талаб қилади ва тадқиқот натижаларини 5-7 ёшли гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка жараёнига жорий қилишни зарур, ўз вақтидаги иш деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг **«Бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гимнастикачилар тренировка жараёнини ташкил этишнинг тажрибалар ёрдамида асосланиши»** деб номланган тўртинчи бобида 5-6-7 ёшли гимнастикачиларнинг асосий жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини ёшга доир ўзгаришлар динамикаси, дастлабки тайёргарлик босқичида ёш гимнастикачиларнинг машғулот жараёни тузилиши ва мазмуни, антропометрик кўрсаткичларнинг техник ва жисмоний тайёргарлик билан ўзаро алоқадорлиги тадқиқот натижалари асосида ёритиб берилган.

Тажрибада белгиланган вазифаларни ҳал этишга мослаштирилганда улар қуйидагича шакллантирилиши мумкин:

- биринчидан: қўйилган мақсад вазифаларни муайян муддатда амалга ошириш;

- иккинчидан: ёш гимнастикачиларни ҳар томонлама тайёргарлик даражасини таъминлаш;

- учинчидан: машғулотлар учун ажратилган вақтдан унимли фойдаланиш;

- тўртинчидан: жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, техник тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик натижалари динамикасини ўрганиш;

- бешинчидан: бошланғич тайёргарлик гуруҳларидан шуғулланувчиларнинг чиқиб кетиш ҳолатларининг таҳлили.

Морфо-функционал кўрсаткичлар динамикасининг таҳлили барча кўрсаткичларининг ривожланиб бораётганидан далолат берди, қиз болаларда ҳам, ўғил болаларда ҳам иккала гуруҳда ҳам бу даврда, айниқса 6-8 ёшда спортчиларнинг тана узунлиги ортиб боради. Агар 5 ёшли гимнастикачиларда ўсиш йилига ўртача қизларда 1.8%, ўғил болаларда 2.6% ни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда у мувофиқ тарзда 4.0% ва 3.2% га ортди. Яъни бошланғич тайёргарлик босқичида машғулотлар жараёнида бола шиддат билан ўсади, унинг танасидаги айрим қисмлар шаклланиб, нисбатлари ўзгариб боради, бу, ўз навбатида, ўргатиш жараёнини оғирлаштиради.

Назорат тестлари ва таҳлилларнинг кўрсатишича, 5-6 ёшли янги шуғулланаётган болалар, одатда, 20 м югуриш тестимизда максимал имкониятларни намойиш эта олмадилар ва бу тест машқларини бажара олмадилар. Биринчи ўқув йилида шуғулланаётган болалар учун юқорида кўрсатиб ўтилган БЎСМ, ИБЎСМ (Е.К.Гавердовский, 2005) ўқув дастурларида таклиф қилинадиган паралелл кўшпояда таяниб қўлларни букиб-ёзиш тести ҳам бажариб бўлмайдиган масала бўлиб чиқди.

Шу муносабат билан ишончлилик ва валедик ва маълумотларининг таркибини текширганда 20 метрга югуриш 2x10 югуриш билан, осилиб тортилишда қўлларни букиш 90% гача букилишига соддалаштирилди, қўлларни букиб ёзишда паралелл гимнастик ўриндиққа алмаштирилди.

Биринчи ўқув йили ёш гимнастикачиларнинг тезкор куч сифатларини ривожланишини баҳолай туриб, тадқиқот груҳининг назорат гуруҳидан айрим устувор жиҳатларини қайд этсак бўлади. Кўринишидан, тезкор-куч хусусиятига эга бўлган махсус танланган машқлар ва уларни қўллашнинг мақсадли методикаси ёрдамида тушинтириш мумкин.

3 ва 4 расмларда йил охирига келиб махсус жисмоний тайёргарлик бўйича синов натижаларининг ошиши тенденцияси яққол кўзга ташланиб турибди. Бироқ кўрганимиздек, 5 ва 6 ёшли гимнастикачилар тажриба бошида тадқиқот гуруҳида ҳам, назорат гуруҳида ҳам бир-бирларидан кам фарқланадилар.

Тажриба охирига келиб эса уларнинг натижалари тенглашибгина қолмай, балки баъзи ҳолларда 7 ёшли гимнастикачилардан ҳам ишончсиз ҳолда юқорилаб кетди ( таяниб қўлларни букиб-ёзишда, оёқларни кўтариш, эгилувчанлик учун баҳода).

## Қизлар орасида ўтказилган назорат синовларнинг дастлабки натижалари

Тестлар	Ёш	5-ёшли (n=60)		6-ёшли (n=60)		7-ёшли (n=60)	
		Натижа	балл	Натижа	Балл	Натижа	балл
2x10м моксимон югуриш (с)		8,12	3,41	7,75	5,12	7,2	7,5
Узунликка сакраш (см)		104,2	0,5	114,8	1,3	133,4	4,7
Қўлларни 90°гача букиб тортилиш (марта)		1,3	2,05	0,7	0,9	3,11	3,11
Икки паралел г/ск таянилган қўлларни букиб-ёзиш (марта)		7,4	2,3	7,1	2,2	7,1	2,36
Осилиб туриб оёқларни 90° гача кўтариш (марта)		8,7	4,3	11,0	5,25	12,0	5,6
Осилган ҳолда бурчак тутиб туриш (с)		6,6	2,9	8,5	3,7	6,2	2,7
Эгилувчанлик баҳоси (балл)			6,85		6,86		7,74
МЖТ учун баллар йиғиндиси			22,9		25,3		33,7

## Ўғил боллар орасида ўтказилган назорат синовларнинг дастлабки натижалари

2x10м моксимон югуриш (с)	7,7	1,5	7,4	3,0	7,3	4,2
Узунликка сакраш (см)	113	0,7	122,2	2,2	130,4	3,3
Қўлларни 90°гача букиб тортилиш (марта)	2,5	2,0	2,1	1,8	2,85	2,15
Икки паралел г/ск таянилган қўлларни букиб-ёзиш (марта)	8,2	3,2	7,7	3,0	12,5	5,2
Осилиб туриб оёқларни 90° гача кўтариш (марта)	9,0	5,25	11,8	6,2	11,4	6,3
Осилган ҳолда бурчак тутиб туриш (с)	5,2	2,5	5,8	2,6	3,1	1,5
Эгилувчанлик баҳоси (балл)		6,72		6,73		6,05
МЖТ учун баллар йиғиндиси		21,9		25,5		28,7

Динамик маълумотлар, умуман олганда, бутун шуғулланувчилар контингентини тестлаш манзарасини тасдиқлайди. Махсус жисмоний тайёргарлик натижаларининг ўсиш жараёнини барқарорлаштириш учун 6-7 ёшли гимнастикачиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар мажмуасига ўзгартиришлар киритилди.

5-6 расмларда иккинчи ўқув йили ёш гимнастикачиларнинг махсус жисмоний тайёргарликни тестлаш натижаларидаги ўзгаришлар диаграммаси тақдим этилган.

Тажриба охирида тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилган мажмуали тестлашни кўрсатишича, икки йил давомида гимнастикачиларнинг кўрсаткичларида юз берган ўзгаришларга қарамай, кўп ҳолларда тадқиқот ва НГ гуруҳлар орасидаги тафовутларнинг статистик жиҳатдан ишончсизлиги хусусияти сақланиб қолди. Бу шундан далолат берадики, барча болалар сараланишдан қатий назар, бошланғич тайёргарлик гуруҳларида муваффақиятли ўрганиш ва такомиллаштиришлари мумкин экан.

Тажриба тадқиқотлари материаллари асосида 5-7 ёшли гимнастикачиларда ҳаракат сифатларини ривожлантириш жараёнини бошқаришнинг етарлича кенг имкониятлари мавжудлиги аниқланди, хусусан:

- тайёргарликнинг бошланғич босқичидаёқ, шунингдек гимнастикачилар организмига биринчи «ўсишдаги сакраш» даврининг салбий таъсирини юмшатишга имкон берадиган ёш хусусиятларини эътиборга олиш;





- 6-7 ёшли гимнастикачиларнинг тренировка машғулотларига имкон қадар кўп сонли хилма-хил, шу билан бирга оддий (УРМ) умимривожлантирувчи машқлар ва махсус танланган машқларни киритиш;

- ўқув-тенировка машғулотининг барча қисмларида ўйин методидан кенг фойдаланиш;

- жисмоний ва махсус ҳаракат сифатларини ривожлантиришда айланма тренировка методидан фойдаланиш;

